*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
8 февраль
ЧОРШАНБА

№ 11
(12.439)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



## ИСТИҚБОЛЛИ ТАРМОҚҚА САРМОЯ

**Ангрен шаҳри яқинида 2011 йилда барпо этилган "Accord textile" масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси цехларида ўттиз турдан зиёд тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, хорижга экспорт қилинмоқда.**

Энг замонавий юқори технологияли, электр қувватини тежайдиган ускуналар билан жиҳозланган корхона жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотлар, жумладан, турли рангдаги аёллар халатларини тикиб чиқармоқда. Уларнинг жаҳон бозорида харидоргирлигининг боиси шундаки, бу сифатли кийимлар экологик тоза матолардан тайёрланади.

– Бизнинг тўқимачилик соҳасида бой тажрибага эга фирмамиз Хитой Тайпейи ва Сурия мамлакатларида ҳам шундай корхоналар очди, – дейди "Accord textile" қўшма корхонаси директори Абухшба Алан Абдулфатах. – Ангрендаги фабрикамизга ҳозиргача 269 минг доллар сармоя киритиб, маҳаллий ёшлар учун 212 та иш ўрни очдик. Бу йил ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида яна 200 минг доллар сармоя киритилиб, иш ўринлари 326 тага етказилади. Тўқимачилик тармоғи, яъни иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган секторини инвестициялаш жуда фойдали бўлиб, сарфланган маблағ тезда қопланади. Юқори малакали ишчи кадрларнинг кўплиги ҳамда минтақада зарур инфратузилма кенг ривожлангани айнан Тошкент вилоятида корхона қуришга қарор қилишимизга туртки бўлди. Биз бу ерга жиддий ва узоқ ишлаш учун келганмиз.

Республикада пахтани қайта ишлаш ҳамда тўқимачилик тармоғи изчил юксалишда. Мустақилликка эришилганидан сўнг мамлакатда турли мулк шаклидаги ўнлаб тармоқ корхоналари очилиб, улар муваффақиятли ишламоқда. Ўзбекистон аста-секин пахта хом ашёси етказиб беришдан воз кечиб, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар экспорт қилишга ўтмоқда. "Accord textile" қўшма корхонаси бунга яққол мисол. Ушбу тармоқдан яхши хабардор бизнесчилар бугунги кун ва истиқбол учун ҳам сармоя киритишга тайёрлар.

**СУРАТДА:** корхона иш юритувчиси Муҳаммад ал-Саламум ишчилар билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

## ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ВА ОШКОРА ТАНҚИД РУҲИДА

**Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. У 2011 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари муҳокамасига бағишланди.**

**Вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарган йиғилишда ўтган йилда иқтисодиётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида эришилган натижалар таҳлил қилиниб, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.**

Асосий эътибор иқтисодиётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифалар бажарилишининг бориши, Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январдаги мажлисида сўзлаган маърузасида белгилаб берилган вазифалар сўзсиз бажарилишини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Вилоятимиз иқтисодиётида ўсиш суръатлари барқарор тус олганлиги таъкидланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 109,2 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,3, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,6, чакана товар айланмаси 20,4, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 16 фоиз ўсди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 16,8 фоиз кўпайди. Саноатнинг машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби тармоқлари, айниқса, изчил суръатларда ривожланишига эришилди. Экспорт ҳажми бир йилда 27,8 фоиз ошди. Ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажми 24,9 фоизга ўсди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши натижасида капитал маблағларни ўзлаштириш кескин кўпайди. Реал секторга қарийб 419 миллиард сўм ҳажмида хорижий инвестиция жалб этилди. Унинг 62,4 фоизини тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқариш соҳасига, 26,5 фоизи эса, замонавий, юқори унумли ускуналар сотиб олишга йўналтирилди.

Бундай ютуқлар бор. Лекин ҳозирги натижалар Тошкент вилояти салоҳияти учун кам. Фаоллар йиғилишида иқтисодиётни янада жадал ривожлантиришга тўғаноқ бўлаётган сабаблар тилга олиниб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб олинди. Чунончи, иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги юқори технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш тури ва ҳажмини кўпайтиришга эришиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Барча бошқарма ва хўжалик идораларининг Мустаҳкам оила йилидаги вазифалари аниқ белгилаб берилди. Танқид ва ўзаро талабчанлик руҳида ўтган йиғилишда қайд этилган камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш чора-тадбирлари атрофлича кўриб чиқилди ва кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Пойтахтда БМТ Аёллар ташкилоти ташаббуси билан "Дунё аёлларининг 2011-2012 йиллардаги муваффақияти: адолат сари интилиш" мавзусида ҳисобот-йиғилиши бўлиб ўтди.**

## АДОЛАТ САРИ ИНТИЛИШ ЙЎЛИДА

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТ Аёллар ташкилотининг Тошкентдаги минтақавий филиали, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамда Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган йиғилиш адолатли судлов жараёнларига бағишланди.

**«Туркистон-пресс».**

ДАВРА СУҲБАТИ

## ДЕПУТАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

**Олмалиқ шаҳрида "Ўзбекистон Республикасини 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини бажаришда маҳаллий кенгашлар депутатларининг асосий вазифалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**



Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати билан Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамкорликда ташкил этди. Олий Мажлис Сенати аъзоси Светлана Ортиқова ва бошқа маърузачилар йиғилганлар эътиборини даврнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда депутатларнинг фаоллигини кучайтиришга қаратишди.



**Ҳабиб КАРИМОВ.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

## ҲАР ТЕНГДОШГА БИР ҒАЗАЛ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 529 йиллигини кенг нишонлашга пухта ҳозирлик кўрди.**

– Бу икки қутлуғ сана муносабати билан, – дейди ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси А. Камолов, – шаҳар ва туманларимизнинг барча таълим муассасаларида давра суҳбатлари, учрашувлар, бадиий кечалар ва бошқа турли тадбирлар ўтказилишини назарда тутувчи "Ҳар тенгдошга бир ғазал" лойиҳаси режалаштирилган. Бош мақсади маънавиятимиз ҳамда тарихий маданиятимизни қадрлаш, аждодларимиз меросини ўрганиш ва ёш авлод қалбига чуқурроқ сингдириш бўлган мазкур лойиҳанинг дебоча тадбири бугун Чирчиқда Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш ва шу шаҳардаги Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида уюштирилаётган бадиий кеча билан бошланади.

**Отабек ҲИКМАТОВ.**

## АЛЛОМА ГУЛШАНИ

**Зангиота туманидаги 54-мактабда Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишлаб "Бу гулшанда наво ва бўстон ичра" мавзусида адабий-бадиий беллашув ўтказилди.**

Уни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирда Алишер Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. Ўқувчилар баҳру байт, мушоира тарзида ким кўп ғазал ёд олганлигини намоён этишди. Олимларнинг Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маърузалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга навоийшунос олимлардан жавоб олишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**



Ҳазрат Мир Алишер куллиётининг йигирма жилдлигини худди хонтахтага нон тергандек, рўпарамга ёйиб қўяман. Улар ҳозиргина тандирдан узилиб, кўз қамаштириб турган "нони Осиё"дек азиз, балки улардан азизроқ. Негаки, ул — моддий неъмат, тан озиғи, бул — маънавий неъмат, жон озиғи.

## СЎЗЛАРИ ГАВҲАР, АМАЛИ ЖАВҲАР ШОИР

Куллиётни бир-бир варақлайман. Юрак ҳаприқади, кўнгил сайрайди, ҳайратдан тафаккур тошдай қотади, бутун вужудинг дохиёна фикратдан шамдай эриб, мумдай балқийди. Фавқулодда ва ақл бовар қилмас мажозлару ташбеҳлар қуюнидан ўзингни арши аълода юргандек ҳис қиласан. Кўзларингда ёш қалқийди. Ахир мана бу сатрларни жон ҳовучламасдан, хотиржам ўқиб бўладими?

*Фиғонимдан фалак*
*ғамгин,*
*Сиришкимдан жаҳон*
*рангин,*
*На дардим ўтиға таскин,*
*На ҳажрим дардига*
*дармон.*
*Бошим ғам тошидин*
*ёра,*
*Таним ғам ўқидин пора,*
*Кўнгил бу ёраға чора*
*топарға топмайин имкон.*
*Кўзим намлик, бўйим*
*хамлик, ичим андуҳу*
*мотамлик,*
*Не ҳамдамлик, не*
*марҳамлик – топиб*
*бу меҳнати пинҳон.*

Магарким, Алишер Навоийдек валломат бир зотки, даврондан шу қадар шикоят қилган экан, унда тўққиз фалак фарёд солиб, осмонларни ларзага келтириб нола қилса, не тонг дегингиз келади. Бу сатрларни шоирнинг ўз лафзи билан айтмоқчи, "Яратганнинг гуноҳкор, фақир бандаси" эмас, ҳусни мутлақдан илҳом олган илоҳий қалам соҳиби битганлигига такрор иймон келтирасиз. Навоийни алқаган пири комил Абдураҳмон Жомийнинг дил сўзлари ёдингизга тушади: "Бу қаламга фалакдин офаринлар ёғилсин!"

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

**Бўка туманида ички ишлар бўлими, прокуратура ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси маҳаллий бўлимлари ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган "Ўз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.**

Чиғатой қишлоғи аҳолиси давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент қарорлари, фармонлари, уларнинг ижроси йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан таништирилди. Ёшлар бугунги кунда ўзлари дуч келаётган баъзи муаммолар ва ҳақ-ҳуқуқларига доир саволларига жавоб олишди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида сурункали дарс қолдираётган талабаларнинг муаммолари, унга сабаб бўлаётган омилларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

**Нурихон ФАЗЛИДДИНОВА.**

**2012 йил учун**



**ОБУНА**

**давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

# МАҚСАДИМ – МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Миллий армиямиз такомиллашмоқда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллик, жанговарлик ва интеллектуал даражаси юксалмоқда. Айни пайтда ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора ошиб бораётир.**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ муддати ўн икки ойни ташкил этади. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Бу Қуролли Кучлар сафларини ҳарбий хизматга ҳар томонлама муносиб ёшлар билан тўлдириш имконини бермоқда.



Чақирув комиссиялари фаолияти устидан жамоат назоратининг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида улар таркибига жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари киритилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбийлар учун жорий этилган қатор имтиёзлар тизими яхши самара бераётир. Армия мактабини ўтаган, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда аъло натижаларга эришган, қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга бўлган собиқ аскарлар мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг жойлардаги мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқармалари ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 12 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ёшларни муддатли ҳарбий хизматга танлаб олиш ишлари изчил давом этмоқда.

– Ўзбекистон Республика фуқароларини Қуролли Кучлар сафига муддатли ҳарбий хизматга чақириш йилда бир марта – феврал-март ойларида амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Миробод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Ҳусан Зуфаров. – Бу чақирилувчиларни сифатли танлаб олиш имконини беради.

Август ойидан бошлаб чақирилувчиларнинг шахсий ҳужжатлари билан танишмоқдамиз, маҳалла қўмиталари ёрдамида ҳар бир чақирилувчининг оилавий шароитини ўрганяпмиз. Бу жараёнда ким армияга чақирилиши керак, ким бунга лаёқатсиз, кимни чақиришни муайян вақтга кечиктириш лозим – мана шу жиҳатларни аниқлаяпмиз. Ҳозирги кунда чақирилувчилар тиббий комиссиядан ўтмоқда. Туман тиббий комиссиялари ҳар томонлама соғлом йигитлар сони ортиб бораётганини таъкидламоқда. Бу мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли ишлар самарасидир.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан уч йўналиш бўйича ўтказилаётган танлов асосида йигитларни саралаб олиш ва тест синовларини ўтказиш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади – чақирилувчиларнинг билим даражасини аниқлаш, бунда йигитларнинг мактаб таълим дастурининг мажбурий ўқув курсига киритилган предметларни нечоғлик ўзлаштирганлари текширилади, уларнинг интеллектуал даражасини аниқлаш, бунда шахснинг асосий фазилатлари ва салоҳиятига эътибор берилади, шунингдек, чақирилувчиларнинг мавжуд шароитга мослашиш ва берилган юкламаларни бажара олиш қобилиятлари синовдан ўтказилади. Уларнинг жисмоний тайёргарлиги ва чидамлилик даражаси текширилади. Тест якунида тўпланган барча баллар умумлаштирилиб, шу асосда чақирилувчининг салоҳияти белгиланади.

– Ҳар бир йигит ўз Ватанини мардона ҳимоя қилиши керак, – дейди чақирилувчи Сарвар Нурмуҳаммедов. – Мен армияда хизмат қилиш учун узоқ тайёргарлик кўрдим, спорт билан шуғулландим, тестларга тайёрландим, олти ой Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида ўқидим, ҳарбий хизмат даврида фойдаланишим мумкин бўлган радиотелефонистлик билим ва кўникмаларини эгалладим. Мен ҳаёт мактаби бўлган армияда хизмат қилмоқчиман, ҳарбий хизмат ҳар бир йигитга катта тажриба ва билим беради, ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шуниси қувонарлики, пойтахтимизнинг мазкур туманидан армияга чақирилган ёшларнинг кўпчилиги жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарликда намунали натижаларни қўлга киритди. Мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш учун ўзлари хизмат қилган ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлди. Улар имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиниб, ҳозирги кунда турли олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

2010 йилда Миробод тумани мудофаа ишлари бўлимида кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилиб, чақирув пункти тубдан реконструкция қилинди. Ходимларнинг самарали ишлаши, чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари учун барча шароитлар яратилди. Мазкур бўлим ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўлимлари ўртасида ўтган йили биринчи ўринни эгаллади.

Ватанга бўлган муҳаббатни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Халқимизнинг ўз Ватани тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат қилаётган асл фарзандлари фаолиятида эса бу олий туйғу ҳамиша ёрқин намоён бўлади.

**Р. БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, йўтал шаклида ўтадиган ўпка ва нафас йўллари касалликларини ўз вақтида даволамаслик оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Жаҳон тиббиётида йўтални самарали даволаш ва унинг олдини олиш мақсадида яратилган замонавий услублар ҳамда воситалардан оқилона фойдаланиш инсон саломатлигини асрашга хизмат қилмоқда.**

# ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Тошкентда нафас йўллари касалликларини даволашда замонавий ёндашувлар ва бу борада яратилган янги технологияларни қўллаш самараларига бағишланган семинарда шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар ва хорижлик мутахассислар иштирок этди.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти проректори Ҳ. Оқилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш жараёнида тиббий-профилактика ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда аҳолига замонавий усулда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ва беморларни соғломлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётир.

Бу жараёнда тиббиёт илмини ривожлантириш, жаҳон тиббиётининг илғор услубларини чуқур ўзлаштириш ва соғлиқни сақлаш амалиётида оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси олимлари музкур йўналишда қатор тиббий-илмий марказлар ва фармацевтика компаниялари мутахассислари билан ҳамкорликда самарали илмий-тадқиқотлар олиб бораётир.

Семинарда ўпка, нафас йўллари ва ўткир респираторли вирусли касалликларни даволашда замонавий ёндашувлар, йўтални аниқлаш ва даволашда қўлланилаётган янгича услуб ва воситалар, ушбу касалликларнинг олдини олишда умумий амалиёт шифокорлари томонидан амалга оширилаётган тиббий-профилактика кўриги ҳамда тарғибот ишлари самараларига оид маърузалар тингланди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорларга мўлжалланган асбоб-ускуналар каталоги тайёрланиб нашр этилди.**

## ТАДБИРКОРЛАРГА КАТАЛОГ

Унга Хитой, Япония, Россия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Буюк Британия ва АҚШ каби ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган 400 дан зиёд асбоб-ускуналар киритилган.

Каталогда тавсия этилган ҳар бир ускунага техник характеристика бериш билан бирга, унинг нархи, етказиб бериш шартлари, фотосурати илова қилинади. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг талаби асосида ҳар бир ускунанинг ишлатилиш жараёни ҳақидаги видеолавҳа ҳам тақдим этилади.

Каталог тўғрисидаги тўлиқ маълумотни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан олиш мумкин.

**"Туркистон-пресс".**

## ҚЎМИТАДА МАХСУС ТЕЛЕФОН

**Юртимизда барча тизимлар каби тадбиркорликка ҳам кенг йўл очилиб, улар самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада кўплаб қарор ва қонунлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилаётганлигини юртимизнинг ҳар бир гўшасида савдо-саноат, маиший, ишлаб чиқариш корхоналарининг йил сайин ортаётганлигида кўришимиз мумкин.**

Жорий йилнинг 1 февралидан бошлаб Давлат солиқ қўмитаси махсус телефон тармоғининг ишга туширилиши ҳам тадбиркорлар учун солиқ хизматига оид маълумотларни тез фурсатда олиш имконини бермоқда.

Ушбу тармоқ мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг қатламига етказиб бериш, солиқ тўловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш ва шу орқали улар учун мавжуд имкониятларни яратиб беришга қаратилгандир. Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа бизнесни юритиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларда юзага келадиган кўплаб баҳсли масалаларни ҳал этишга ҳам яқиндан кўмак беради.

Мазкур тармоқ орқали берилган долзарб саволлар ва уларнинг жавоблари "Солиқ инфо" газетаси саҳифаларида ҳамда www.soliq.uz расмий сайти орқали ёритиб борилади. Ишбилармонлар доираси учун солиқ қонунчилиги бўйича барча турдаги ахборотлар қўмитанинг бошқарма бошлиқлари томонидан бериб борилади.

**"Туркистон-пресс".**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

**"Мустаҳкам оила" ғоясининг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир, – деб таъкидлади Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида. – Бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда "Маҳалла – халқ виждони" деган юксак таърифга ҳар томонлама муносиб бўлиб бормоқда". Дарҳақиқат, маҳалла миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсон сифатида тарбиялашда муҳим роль ўйнаётир.**

– Мен бу вазифага яқингинада сайландим, – деди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими раиси Саъдулла Наврўзов. – Бу тузилма ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, оммавий-маданий ҳаётимизда етакчи ўрин тутишини чуқур англаш учун қисқа фурсат етарли бўлди. Шу кунларда шаҳримизда "Мустаҳкам оила йили" дастурига киритиладиган муаммоли масалаларни аниқлаб, энг долзарб вазифаларимизни белгилаб олаяпмиз.

Чирчиқ – мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири, кўпмиллатли шаҳар. Маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маънавий-ахлоқий ва диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосарлари кундалик ишларини режалаштиришда бу жиҳатни эътиборга олишади.

– Чунки, маҳалла ва хонадонлардаги муҳит айни шу жараён билан белгиланади, – деди бош мутахассис Саида Султонова. – Ҳаётимиздаги муайян камчиликлар, нотинч оилалар муаммолари, эрта ҳомиладорлик, фоҳишабозлик, хотин-қизлар жиноятчилиги, ўсмирлар ҳуқуқбузарликлари барча ташкилий-ташвиқот ва маънавий-маърифий ишларимизда устувор йўналиш ҳисобланади.

Улуғбек маҳалласи фаоллари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича бевосита хонадонларда иш олиб боришаяпти. Ҳайдаров, "Кимёгар", "Юлдуз", Ҳамза, "Ишонч" маҳаллаларида ўтказилган мониторинг натижалари асосида ҳаётдаги айрим иллатларни бартараф этишга бағишланган фикр алмашувлар ўз самарасини бера бошлади. Бундай йиғинлар чоғида маҳаллалардаги шифо масканлари, оилавий ва хусусий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам муассасалари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланаяпти.

Ёш оилаларни мустаҳкамлаш, йигит-қизларни оила қуришга тайёрлаш мавзуларидаги якка ва давра суҳбатлари яхши самара бераяпти. Ички ишлар идоралари рўйхатида турган 39 та оила аъзолари билан тарбиявий ишлар кучайтирилди. Чирчиқ шаҳри маҳаллалари 2009-2013 йилларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ишларини янада кучайтириш чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда тобора фаол иштирок этаётир.

– Маҳалламизда 960 хонадон истиқомат қилади, – деди "Маданият" маҳалласи маслаҳатчиси Улуғой Мирзааҳмедова. – Одамларимиз асосан "Максам-Чирчиқ", "Кимёмаш", "Қишлоқмаш" корхоналарида ишлашади. Шу боис, ҳар бир оила, унинг турмуш тарзи яхши ўрганилган. Тўғри, ёш оилалар ҳам кўп. Шу сабабли асосий эътиборни уларда яшовчи ёшларга қаратамиз. Оила муқаддаслиги, соғлом авлодни камол топтиришда ота-онанинг масъулияти ҳақидаги суҳбатларимиз ҳамиша қизғин ўтади, иштирокчилар баъзи воқеа-ҳодисаларга ошкора муносабат билдиришади.

– Мустаҳкам оила йили муносабати билан бевосита хонадон аъзолари ўртасида иш олиб борувчи алоҳида гуруҳ тузаяпмиз, – деди "Ҳумо" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумагул Анларова. – Чунки, маҳалламиз кўпмиллатли, катта. 1309 та хонадонда 2800 киши яшайди.

Оила тинч, тотувлиги кўп жиҳатдан топиш-тутишга, рўзғорнинг бутлигига боғлиқ. Маълумки, ҳамма ҳам, айниқса, уй бекалари "ишсизман" дея бирор жойга очиқ мурожаат қилмайди, бунга орияти йўл қўймайди. Шуни ҳисобга олиб, фаоллар, маслаҳатчилар хонадонлардаги суҳбатлар чоғида ишлаш истаги бўлган уй бекаларини аниқлайдилар, лаёқатига қараб ишга жойлашишда ёрдам берадилар. Маҳаллалар вакиллари бу йил ишга жойлашиш истагида бўлганлар рўйхатини "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимига тақдим этадилар.

– Уларни умумлаштириб, ягона дастур ишлаб чиқамиз, – изоҳ берди Саида Султонова. – Ҳар бир кишининг лаёқатига яраша жой топиб, уй бекаларига таклиф қиламиз. Шу тариқа 2011 йили 214 киши ишли бўлди. Фақат "Ҳумо" маҳалласида 16 киши ишга жойлаштирилди.

Айни пайтда янги иш жойлари барпо этиш учун маҳаллаларнинг ўзидаги имкониятлардан ҳам фойдаланилаяпти. Чунончи, "Ҳумо" маҳалласида бекор турган бинони олиб, Жумагул Анларованинг ўзи "Наврўзабону" хусусий кичик корхонаси ташкил этди. 2009 йили шу тикувчилик цехини жиҳозлаш учун 14 миллион сўм кредит олди. Маҳалладаги олти хотин-қиз унда ишлай бошлади.

– Икки йилда банк кредитидан қутилдик, – дейди тадбиркор. – Бу ўзаро ишончни мустаҳкамлади. Натижада замонавий тикув машиналари сотиб олиш учун яна 20 миллион сўм кредит олдик. Ишлаб чиқаришни кенгайтириб, қўшимча яна ўн ишчи қабул қилмоқчимиз.

"Камолот" маҳалла оқсоқоли Жаримқул Умбетовнинг айтишича, тўрт ёш оила тадбиркорлик билан шуғулланишга киришди. Қайрат Қодирбоев, Эрнест Холиқов оилалари ҳам ўз бизнесини муваффақиятли олиб бормоқда.

"Маҳалла" жамғармаси етакчилари ва фаолларнинг тинмай изланишлари туфайли оилалар рўзғорига барака кирмоқда. Бу анъана Мустаҳкам оила йилида янада барқарор тус олмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

УЧРАШУВ

**Инсон учун ҳаётий зарурат ҳисобланмиш тириклик омиллари – иқтисод (озиқ-овқат), экология (тоза ҳаво, сув) ва ижтимоий тўкисликнинг бир муҳим хусусияти бор. У ҳам бўлса хабардорлик, огоҳлик. Инсонни ғофилликдан қутқарувчи илм-маърифат зиёси ва жамият тараққиёти кўзгусининг нурафшонлиги йўлида хизмат қилувчи оммавий ахборот воситалари фаолияти, айниқса, мустақиллик йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди.**

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ:

# ИМТИЁЗ ВА АФЗАЛЛИКЛАР

Юртбошимизнинг соҳа вакилларини ўзининг энг яқин, ишонган кишилари қаторига қўйиши эса улар зиммасидаги вазифа нақадар шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли эканлигини кўрсатади. Мустақил диёримизнинг илк қадамларидан балоғат ёшига етгунга қадар 20 йил давомида ҳаёт қозонида бирга қайнаб, ўз овози, қиёфасига эга бўлиб келаётган Ўзбекистон матбуоти замон билан ҳамнафас, халқаро андозаларга тўла мос келиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси ҳар қадамда бўй кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз раҳбарининг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги Қарори ҳам айнан соҳа вакиллари манфаатларига хизмат қилиши жойларда бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий тадбирларда алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этган "ОАВга берилаётган қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари: ахборот соҳасига бозор муносабатларини жорий этишнинг муҳим омили" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ушбу қарорда белгиланган ОАВ, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва омилларни яратиш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш каби масалалар муҳокама этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, фуқаролик институтлари, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда алоҳида таъкидланганидек, соҳа вакиллари учун ахборот олиш ва тарқатишга оид ҳуқуқлар эркин фуқаролик жамияти қуришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мантиқий давоми бўлган ушбу қарор мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга бўлган улкан эътиборни кўрсатади. Қарорга мувофиқ уларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар тақдим этилиши, жумладан, 2012 йилнинг 1 январидан оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар, ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имконияти чекланган шахслар, (кўзи ожизлар, кар-соқов ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинадиган фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилиши ва шу каби бошқа имконият ва қулайликлар соҳага тегишли муассаса ва корхоналарнинг эркин ривожланишини таъминлайди.

Ўз навбатида, бундай эътиборга жавобан, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хусусан журналист ва матбаачилар замон билан ҳамнафас бўлишлари, фикр-мулоҳазаларини юксак савияда баён эта олишлари лозим. Шунингдек, ОАВларининг молиявий барқарорлиги, журналист одоби, салоҳияти, ижодга яраша рағбат, "Олтин қалам", "Энг фаол журналист" каби турли танловларда фаол қатнашиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, фонд ташкил этаётган турли семинар-тренингларни ёритишда фаоллик кўрсатган таҳририят ва журналистларнинг махсус диплом билан тақдирланиши йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

МАЪНАВИЯТ

# ЗИЁ МАСКАНЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг пухта билим олиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

"Маърифат маркази"да бўлиб ўтган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун нормаларини амалга оширишнинг долзарб вазифаларига бағишланган семинарда бу алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, агентликлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ахборот-кутубхона марказларининг мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Умаров, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Ҳ. Муҳиддинов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари И. Абдуллаев ва бошқалар XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, юксак маънавиятли, юқори ижодий-интеллектуал салоҳиятли шахсларни камолга етказиш, реал иқтисодиётнинг барча жабҳалари учун пухта билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш Президентимиз Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Бу жараёнда ахборот-кутубхона муассасалари ишини тубдан такомиллаштириш, уларда илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун зиё масканлари ишини ислоҳ этиш, уларни давр талаби асосида йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Муҳташам "Маърифат маскани"да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти тубдан такомиллашмоқда. Бой китоб фондига эга ушбу масканда энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал жорий этилаётир. Бу ердаги нодир асарлар сақланадиган китоблар музейи, ўндан ортиқ ўқув заллари, медиа марказ, виртуал маълумотлар хизмати зарур адабиётлардан фойдаланишда кенг қулайликлар яратмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жорий этилган ахборот-коммуникация технологияларининг янги функционал имкониятларидан фойдаланиш, унинг мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлиги, йиғма электрон каталогларни яратиш ва ривожлантириш технологияси масалаларига оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади
Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 233-57-47
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# XXI аср ва ДУНЁ

## ШАҲЗОДА УИЛЬЯМ ФОЛКЛЕНД ОРОЛЛАРИДА ХИЗМАТДА

**Британия шаҳзодаси Уильям 4 февраль куни Фолкленд оролларида қидирув-қутқарув вертолёти учувчиси сифатида ҳарбий хизмат ўташни бошлаганини маълум қилди AFP агентлиги.**



29 ёшли шаҳзоданинг хизмат сафари олти ҳафта давом этади. У иккинчи учувчи сифатида тўрт кишилик Sea King вертолёти экипажи таркибига киради. Уильямнинг ороллар мустақиллиги учун бўлиб ўтган Фолкленд урушининг 30 йиллиги арафасида бу ерга юборилиши Аргентина ҳукуматида нохуш кайфият уйғотди. Мамлакат аҳолиси ўртасида эса, Британияга қарши норозилик қўзғатди. Венесуэла ҳам Лондоннинг бу ҳаракатини қоралади. Аммо, Буюк Британиянинг мудофаа вазирлиги шаҳзоданинг Фолклендга сафари замирида ҳеч қандай сиёсий мақсад-моҳият йўқлигини бир неча бор таъкидлади.

Бу оролларни Буюк Британия Фолкленд, Аргентина эса Мальвин деб атайди. Шу ороллар теварагидаги жанжаллар 1982 йилги Британия-Аргентина урушига сабаб бўлди. Эълон қилинмаган бу уруш архипелагнинг Буюк Британия назорати остига ўтиши ва Аргентина томонидан 649, Британия томонидан эса 255 ҳарбий хизматчининг ўлими билан якун топди.

Британия компаниялари 2010 йилда оролларда нефть қазиб чиқара бошлагач, 3000 киши яшайдиган Фолклендининг мақоми хусусида баҳс яна авж олди.

## ЯРОҚЛИ ВА ЗАРАРСИЗ

**Европанинг авиация хавфсизлиги бўйича агентлиги EASA русумидаги Sukhoi Superjet 100 самолётига сертификат ажратди. Бу учишга яроқли ва атроф-муҳитга зарарсизлиги талабларига мослигини тасдиқлайди.**

Ушбу сертификат Европа авиакомпанияларига (EASA меъёрлари андоза сифатида қабул қилинган бошқа мамлакатлар компанияларига ҳам) SSJ-100 ни сотиб олиш ва фойдаланиш имконини беради. Сертификатни топшириш маросими 24 февраль куни ўтказилади.

Европа сертификациялаш дастури ҳавода ва ерда бир қатор синовлар ўтказишни ўз ичига олади. Жумладан, EASA учувчилари "Электрон қуш" ГСС интеграль стендида сессиялар ўтказишди ва 45 та сертификацион учишларда иштирок этишди. Жами 70 соатлик бу учишлардан мақсад самолётнинг ҳар қандай вазиятларда хавфсиз экани ҳамда унинг "ўзини қандай тутиши"ни синаб кўришдан иборат эди.



## ҚАЛИН ҚОР САБАБ

**BBC News агентлиги тарқатган хабарга кўра, Буюк Британиянинг бош аэропорти Хитроуда биринчи қор одатдагидан қалин ёққани боис режаланган рейсларнинг учдан бирини бекор қилишга тўғри келди.**



Фавқулодда ҳолат туфайли аэропорт оператори бўлган BAA компанияси 1200 та рейсни тўхтатишга мажбур бўлди. Жумладан, РИА Новостининг аниқлик киритишича, British Airways BA 872 Москвага, "Аэрофлот" SU243 Москвадан Лондонга учадиган рейслари бекор қилинди.

Бошқа аэропортлар учиш жадвалига бу қадар жиддий ўзгаришлар киритгани йўқ. Бироқ, йўловчиларга ўзларига керак бўлган самолётнинг учиш-учмаслиги масаласидан хабардор бўлиб туришни маслаҳат бермоқдалар.

Буюк Британия, шунингдек, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари ҳудудида ҳам ўтган ҳафта бошидан ҳаво совуб кетди. Масалан, 4 февралга ўтар кечаси мамлакатнинг қатор туманларида ҳаво ҳарорати 10 даража совуқдан ҳам ошди. Метеорологлар шу ҳафтанинг ўрталаридан ҳаво илий бошлашини маълум қилмоқдалар.

Хитроу – Буюк Британиядаги энг йирик, дунёда эса катталиги жиҳатидан тўртинчи аэропорт. 2010 йилда у 65,7 миллион кишига хизмат кўрсатди. Аэропорт ўз имкониятларидан юз фоиз фойдаланади. Рейслар шу қадар тиғизки, айримлари кечикиб ҳам туради.

## ФИНЛЯНДИЯДА ПРЕЗИДЕНТ ЎЗГАРДИ

**Финляндия президенти сайловларида 63 ёшли консерватор Саули Ниинисте ғалаба қозонганлиги ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Сайловларнинг иккинчи турида Коалицион партия аъзоси Ниинисте номзоди учун қарийб 63 фоиз сайловчи овоз берди. Унинг рақиби "Яшиллар иттифоқи" аъзоси Пекку Хаависто 37 фоизга яқин овоз олди ва ўз мағлубиятини эътироф этди. Сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 69 фоизи қатнашди.

Саули Ниинисте илгари молия вазири, парламент спикери ва адлия вазири лавозимларида ишлаган. У сиёсат соҳасидан ташқари бошқа жиҳатлари билан ҳам мамлакатда яхши танилган. Жумладан, 2004 йилдаги даҳшатли цунами фалокатидан омон чиқишга муваффақ бўлган. Табиий офат юз берган пайтда бўлажак президент Таиланддаги курортда дам олаётган эди. Цунами бошланганда ўғли билан дарахт тепасига чиқиб олиб, жон сақлашган.

Бундан ташқари Саулининг рафиқаси, икки фарзанднинг онаси 1995 йилда йўл-транспорт ҳалокатига учраб, вафот этди. Ниинисте иккинчи марта 2009 йилда ўзидан 29 ёш кичик Коалицион партиянинг матбуот котибига уйланди.

Пекку Хаавистонинг таржимаи ҳоли ҳам ўзига хос ажабтовур. У президентликка биринчи бор даъвогарлик қилди. Энг қизиғи эса, ўзининг хотинбозлик "хислат"и билан кўпроқ ном қозонганини тан олади.

Саули Ниинисте қонунда белгиланган 6 йилдан икки муддат президентлик қилган Тарью Халонен ўрнига ўтиради. Инаугурация маросимини ўтказиш 1 март кунига белгиланган. Ниинисте Финляндиянинг 12-президенти сифатида тарихдан жой олади.



## ХИТОЙ АВСТРИЯ МОБИЛЬ ОПЕРАТОРИНИ СОТИБ ОЛДИ

**The Wall Street Journal газетасининг ёзишича, Hutchison Whatpoa Хитой-Гонконг корпорацияси Orange Austria мобиль операторини 1,3 миллиард еврога харид қилиш ҳақида келишиб олди.**




Hutchison France Telecomдан Orangeнинг 35 фоизли акциясини, қолган 65 фоизини Mid Europa Partners инвестфонддан сотиб олади. Ушбу битимни йилнинг ўрталарига бориб якунлаш режалаштирилмоқда. Шу билан бир вақтда Hutchison ўзининг Австриядаги активларидан бир қисмини бошқа маҳаллий оператор – Telecom Austriaга 390 миллион еврога сотмоқчи.

Абонентлари сони жиҳатидан Австрияда тўртинчи ҳисобланувчи Three мобиль оператори ҳам ҳозир Hutchisonга тегишли. Компаниянинг Европа ва Австриядаги телекоммуникация секторига инвестицияси 30 миллиард доллардан ошди.

Гонконглик бизнесчи Ли Ка Шин Hutchisonнинг асосий акционери ҳисобланади. У Шарқий Осиёнинг энг бой кишиси. Компания акциялари Сингапур биржаларида сотилади.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди.*




# ОЧИҚ ДАРС КУНИ САБОҚЛАРИ

Вилоят педагогика коллежи ўқувчиларининг маданият ва санъатга қизиқиши эътирофга лойиқ. Билим масканида ўтказиладиган барча маънавий, маърифий, мусиқий тадбирларда фаол иштирок этадиган мусиқа фани ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Акбарали Шокиров ташаббуси билан ўзбек ашула ва рақс санъати устаси Тамарахоним хотирасига бағишлаб "Ўзбек халқ мусиқа ижоди" деб номланган очиқ дарс, учрашув бўлиб ўтди. Атоқли санъаткорнинг хотираси унинг уй-музейида яна бир бор ёд этилди.

Учрашувга таклиф этилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Шокиров эл севган хонанда ва раққоса Тамарахоним, унинг бой ижодий мероси ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида Тамарахонимнинг унутилмас куй-қўшиқ, рақсларини коллеж ўқувчилари моҳирона ижро этишди. "Эрта билан тураман", "Бағишлов", "Бошгинам оғрийди-ё" каби шўх-шан куй-қўшиқ ва рақслар барчага манзур бўлди. Айниқса, Тамарахоним бисотидаги турли халқларнинг миллий либослари ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ПОРАХЎРЛИК

# НАЧОРА – ЮРАК ПОРА-ПОРА...

Азим Тошкент томондан олтин Фарғона водийсига борадиган трассанинг Оҳангарон шаҳрига кираверишида, шундоқ чап томонда олти қаватли коллеж биноси бор. Бу ўқув масканини маҳаллий халқ "кўк коллеж" деб атайди, сабаби бино мовий рангда. Бу – "Оҳангарон шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежи". У ерда юзлаб ёшлар таҳсил олади ва неча минглаб ўқувчилар битириб кетган...

Гапнинг индаллоси шуки, мазкур масканда ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимида бир неча йил давомида ишлаб келган Шоҳруҳ Усманов бирдан бойиб кетишни хоҳлаб қолди. Лекин тижорат, ишлаб чиқариш каби нарсалар билан шуғулланишни хоҳламади – тентак бўлибдими, бошқа тадбиркорларга ўхшаб туну-кун елиб-югуриб ишлаб?!.

Унинг миясига бир кун ажойиб фикр келди. Бу "бизнес" учун на бошланғич сармоя керак, на ҳужжат йиғиш талаб этилади ва на солиқ тўланади. Хуллас, Ш. Усманов ўқувчилардан таъмагирлик йўли билан "соққа" ундириш пайига тушди. Ҳа, нима? Савлат бор, лавозим зўр – Ҳусан Абдуллаев (исм-шарифи ўзгартирилган) исмли, бу ерда ўқиб кетган талабани "Мен сенга ҳайдовчилик гувоҳномасини тўғирлаб бераман, лекин озгина харажати бор – атиги 400 минг..." – деб авради. Кейин эса нафси ҳаккалак отиб, "суюнчи пулини" 500 минг сўмга кўпайтирди. Афсус, бу сафар "бизнес" ўхшамади – ярим миллион сўм пора директор муовинининг бўғзида тиқилиб қолди.

Қизиқ бир далил: Ш. Усмановнинг хизмат хонасидаги темир сандиқ ичидан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари 1 миллион 719 минг 900 сўм ва 200 АҚШ доллари миқдорида пул топишди. Шоҳруҳнинг "Бу пуллар ўзимники, уй олмоқчиман", деган гаплари тасдиғини топмади – "жиддий ташкилотда" меҳнат қилаётган ходимлар ва суд бу чўпчакларга ишонишмади. Биринчидан, ўқитувчилар ойликларининг аксарият қисми пластик карточкаларга ўтказилади. Иккинчидан, устозлар маошини долларда олишмайди. Ҳар ҳолда, кўпчилиги... Учинчидан, бу олғир "замдиректир" бир неча битирувчига худди шу тарзда таъмагирлик қилгани тўғрисида гумонлар мавжуд.

Ш. Усмановни суд 7 йил озодликдан маҳрум этди. 1 млн. 700 минг сўмдан ортиқ ва 200 доллар пул давлат фойдасига мусодара қилинди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш жоизки, бу таъмагирнинг қармоғига қанча соддалар илиниб, "соққа тўлаган", яна қанчаси "Бор-э, ҳайдовчилик гувоҳномангбошингда қолсин!" дея қўл силтаб кетган. Ваҳоланки, бу ҳужжатлар бепул берилиши керак – коллеж битирувчилари амалий билимлар бўйича имтиҳондан ўтсалар бас эди.

Ҳақиқатдан ҳам содда халқмиз-да! Қизиқ, бошқа билим юртларида ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси учун пул олинаяптимикан? А, лаббай!?

**Илҳом КЕЛДИЕВ.**

## БЕКАЖОН

### ГЎШТЛИ РУЛЕТ

**Масаллиқлар:** 0,5 л қатиқ, 200 г маргарин, 0,5 кг гўшт, 0,5 кг пиёз, қаттиқ хамир ҳосил бўлгунча ун, 1 чой қошиқ сода, таъбга қараб туз, зира ва мурч.

**Тайёрланиши:** тўртбурчак шаклида тўғралган гўштга майдаланган пиёз солиниб, туз ва зира билан яхшилаб қорилади. Кейин алоҳида идишга қатиқ солиниб, чой содаси ва бир чимдим туз билан аралаштирилади ва қаттиқ хамир ҳосил бўлгунча ун солинади. Хамир ярим соат тиндирилади. Кейин у ўқлоғ ёрдамида ёйилиб, эритилган маргарин суртилади. Олдиндан тайёрланган қийма солиниб, хамир рулет шаклида ўралади. Кейин рулетнинг икки учи бир-бирига ёпиштирилиб, ўртача оловда газ ўтхонасида пиширилади.

## РАССОМ ХАНДАСИ




Муроджон УНГАРОВ чизган расм.

## ҚАТРА

### ЙЎЛДА

Хорижлик ҳамкоримиз билан иш юзасидан учрашувга кетаётгандик. Корхонамиз истиқболи ҳар томонлама шу келишув натижасига боғлиқ эди. Қўлимдаги шартнома шартларини қайта-қайта кўздан кечираман. Ҳамкоримиз ҳам ҳаяжонда, дамба-дам соатига қарар, "Кечикмаяпмизми?" деб сўраб қўярди.

Катта йўлдан бурилишда тобут кўтарган кишилар кўринди. Машиналар кўча четида тўхтаб, уларга йўл беришарди. Биз ҳам тўхтадик. "Нима бўлди, кечикаяпмизку?" деди ҳамкоримиз асабийлашиб.

Ҳайдовчи билан машинадан тушиб, тобутни бир неча қадам кўтариш учун югурдик. Тобуткашлар бизга йўл беришди.

Машинага қайтар эканман ҳамкоримизнинг жиғибийрони чиқаётган бўлса керак, деб ўйладим. Лекин, у хотиржам, ҳатто қизиқсиниб ўтирганини қарашларидан сездим.

– Майитга шунча ҳурматни ҳеч қаерда кўрмаганман, – деди у таъсирланган овозда.

– Бу мусулмончилик, – дедим мен.

– Удумларингиз эътиборли. Майитга бўлган шундай ҳурмат, эъзоз учун шу ерда ўлишга ҳам рози эдим, – деди у кутилмаганда.

Ҳайдовчи иккаламиз ҳайратда бирбиримизга қарадик.

Яна анча йўл юрдик. Хорижлик ҳамкоримиз энди шошинқирамас, соатига ҳам қарамай қўйганди.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**


# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИГА ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИМИЗНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари"га мувофиқ магистрал алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

магистрал алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;

магистрал алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;

турли хил қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;

магистрал алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;

турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;

магистрал алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.**

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

**Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб алоқа кабелларини узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.**




Эсда тутинг! Агарда Сизда магистрал алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилса кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг ҳудудий Боғламаларига ёки магистрал алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган Кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистрал алоқа линияларини эксплуатация қилувчи Боғламалар ва уларнинг Кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

**"ТТТ" филиали Бириччи боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов кўчаси, 29. Тел.:** (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00-17.00).

**Биринчн линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 264. Тел.:** (8-371) 265-80-43 (8.00-17.00), (8-371) 155-27-20.

**Иккинчи линия кабель цехи, Янгийўл ш., Чарикова кўчаси, 172. Тел.:** (8-371) 250-37-45 (8.00-17.00).

**Тошкент шаҳар кабель участкаси, Хуштепа 4-тор кўчаси, 4. Тел.:** (8-595) 199-19-31.

**Пахта кабель участкаси, Чиноз тумани, Серсен кўчаси, 30. Тел.:** (8-595) 199-19-32.

**Учинчи линия кабель цехи, Тўйтепа ш., Спорт кўчаси, 45. Тел.:** (8-595) 199-19-36, (8-370) 762-11-21 (8.00-17.00).

**Ангрен шаҳар кабель участкаси, А. Темур кўчаси. Тел.:** (8-593) 370-38-89.

**Бекобод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимурадов 2-берк кўча, 18-А. Тел.:** (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61, (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Равшан ОМОНОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-242. Адади 15404. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.15. 12345